 2. (Movement Information Network) жой алмаштиришлар ахборот тармоғи (Европада АҚШ харбийлари ҳаракати)
MIO (Modular Input/Output) модулли кириш/чиқиш
MISS (Metal-Insulator-Silicon Switch) МДЯ (метал-диэлектрик яримўтказгич) таркибли
 узиб/улагич
MISSI (Multilevel Information Systems Security Initiative) ахборот тизими кўп сатҳли хавфсизлиги бўйича ташаббус
MIX (Modular Interface Extension) интерфейс(нинг) модулли кенгайиши
MLI 1. (Multilayer Insulation) кўпқатламли изоляция 2. (Multilayer Interconnections) кўпсатҳли ўзаробоғланиш
MLO (Master Local Oscillator) маҳаллий таянч генератор
MLS (Main Line Switch) асосий линия улаб/улагичи (коммутатори)
MM 1. (Memory Manager) хотира бошқарувчиси/диспетчери 2. (Message Management/Manager) хабарлар бошқаруви/бошқарувчиси 3. (Mobility Management) мобилликни бошқариш 4. (Multimedia) мультимедиа
Mm (Modem Модем)
MMC 1. (Man-Machine Communication) одам-машина алоқаси 2. (MCU Memory Card) микроназоратчи хотира картаси
MME 1. (Method of Moments Estimation) лаҳза (момент) усули билан баҳолаш 2. (Multimedia Extension) мультимедияли кенгайиш
MMM (Miniature Multiplexer with Modem) кичик ўлчамли модемли мультимедияли кенгайиш
MMP (Managed Modem Pool) бошқарилувчи модемлар тўплами
MMX (Multimedia Extension) мультимедия учун кенгайиш
MNT (Maintenance) техник хизмат
MNTR (Monitor) монитор
MOA (Modulation Analyzer) модуляция таҳлилчиси
moblog (mobile and weblog) моблог, мобиль веб-лог (уяли (сотали) телефон каби мобил қурилма билан бошқариладиган веб-лог)
mod/demod see: modulation/demodulation
MOBIDIC (Mobile Digital Computer) рақамли мобил компьютер
MOC (Magnetic-Optic Converter) магнитли-оптик ўзгартиргич, магнитли-оптик мослаштиргич
MOD (Modulator) модулятор

MOD/DEMOD (Modulation/
Demodulation) модуляция-
демодуляция

MODEC (Modem-Decoder)
модемдекодер

MZR (multiple zone recording) кўп
доиравий ёзув (*дискга кўпроқ
маълумотларни жойлаштириши
имкониятини берувчи ёзув тури,
бунда диск четларига қўшимча
маълумотлар ёзилади*)

N

NA (numerical aperture) рақамли
апертура (оптик тола тизимида) **NAB**
(National Association of Broadcasting)
миллий ТВ кўрсатувлар ассоциацияси
(АҚШ) **NAC** (network access
controller) тармоққа эркин кириш
назоратчиси **NACSEM** (National
Communications Security Emanation
Memorandum) электрон алоқа
воситалари ишини яширинлигини
таъминлаш меморандуми (АҚШ)
NAF (network access facilities
тармоққа) эркин кириш воситалари
NAK (negative acknowledge) қабул
қилинганлиги тасдиғи йўқлиги **NAM**
1. (network access method) тармоққа
эркин кириш усули 2. (Network
Access Machine) тармоққа эркин
киришни ташкиллаштирувчи
механизм 3. (numerical assignment
module) телефон рақами бериш
модули 4. (NetWare Application
Manager Netware) иловалари маъмури
NAP 1. (network-access point)
Интернетга кириш нуқтаси,
Интернетбоғлама 2. (network access
provider) тармоққа эркин кириш

хизматини таъминловчи
(провайдери) **NAP** (region)
Интернет худудий боғламаси
NAS 1. (Network Administration
System) тармоқни
маъмурийлаштириш тизими 2.
(NetWare Access Server
NetWare) эркин кириш
хизмати 3. (Network
Application Support) тармоқ
иловаларини
қўллабқувватловчи тизим
4.(node address switch) тармоқ
муҳим тугун манзиллари
коммутатори 5. (Network
Attached Storage)
маълумотларни сақлаш тармоқ
қурилмаси, NASқурилмаси
NASCOM (NASA
Communication;
NASA Communication Network
НАСА) глобал алоқа тармоғи
NASI (NetWare Asynchronous
Services Interface NetWare)
операцион тизими асинхрон
(тизимли) хизмат интерфейси
NAT (network address
translation) тармоқ
манзилларини алмаштириш
NATCOM (National
Communication;
National Communication
Symposium) **NAUN** (nearest
active upstream neighbor)
тармоқ энг яқин фаол
боғламаси
NAVCOMMSYS (naval
communication system) харбий-
денгиз кучлари алоқа тизими
(АҚШ) **NAVRADSTA** (naval

radio station) харбий-денгиз кучлари радиостанцияси (АҚШ)

Navtex (navigation telex) навигация телекси (*навигация ва метеорологик ахборотлар автоматлаштирилган узатиш хизмати*) **network** (*comp*) [“not” и «network»] ишламаётган тармоқ

NCP 1. (network-control point) тармоқни бошқариш жойи 2. (network-control program) тармоқни бошқариш дастури 3.

(NetworkControl Protocol) тармоқни бошқариш протоколи

NCTA (National Cable Television Association) кабелли телевидение миллий ассоциацияси

NCTE (network-channel terminating equipment) канални шакллантирувчи тармоқ аппаратураси

ND 1. (neighbor discovery protocol) кўшни боғламани аниқловчи протокол 2. (neutral density filter) нейтрал филтър; танланмайдиган филтър 3. (nondelay) кечикишсиз 4. (nondirectional)

йўналтирилмаган, ҳамма томонга бир хил нурлатувчи (*антенна ҳақида*) **NDB** (nondirectional beacon) йўналтирилмаган радиомаяк; хар томонга

йўналтирилган радиомаяк **ND D** (network-data driver) тармоқ маълумотлар узатгичи **NDDE** (Network Dynamic Data Exchange) маълумотлар тармоқдаги

динамик алмашинуви **NDPS** 1. (National Data Processing Service) маълумотларга ишлов

бериш миллий хизмати (Буюкбритания) 2.

(NetWare Distributed Print Services NetWare)

муҳитида тақсимланган босма хизмати **NDRO** (nondestructive readout)

маълумотларни бузмасдан ўқиш **NE** (network element) тармоқ элементи

NEC (National Electric Code) миллий электр коди (АҚШ) **network OS**

(network operating system) тармоқ операцион тизими **NEXT** (near-end crosstalk) линия энг яқин охиридаги кутувчи суҳбат; узатувчи линия охиридаги кутувчи суҳбат

NeXT 1. see: NEX T 2.

(near-end crosstalk) линия охиридаги кўчма халақитлар

NGN (Next Generation Networks) (Networking))

келгуси авлод тармоқлари (*янги технологиялар*

асосида интеграл компьютер ва

коммуникация тармоқлари, нутқли,

тасвири ва рақамли маълумотларни симли ва

симсиз узатиш архитектураси

ривожланиши концепциясини

англлатувчи термин) **NHN** (nonhomogeneous network)

<p>қисмлари турли хил бўлган тармоқ NICS NATO (integrated communication system) НАТО давлатлари интеграллашган алоқа тизими</p> <p>NIF see: (network interface) NIN (national information network) миллий ахборот тизими NIOD (network inward/outward dialing) кириш/чиқиш уланишларини автоматлаштирилган ҳолда ўрнатиш</p> <p>NIP (nonimpact printer) “ташқи куч” ишлатилмайдиган босма қурилмаси NISO (National Information Standards Organization) ахборот стандартлари миллий ташкилоти (АҚШ)</p> <p>NIT 1. (neon indicating tube) неонли кўрсаткич 2. (network information table) тармоқ ҳақида ахборот жадвали</p> <p>NLA (nonlinear animation) ночизикли анимация</p> <p>NLE (nonlinear editing) ночизикли монтаж</p> <p>NLM (network loadable module) зарғужаемаый тармоқ юкланувчи модули (тармоқли дастурий таъминот ҳақида) NOD (network outward dialing) чиқишдаги уланишни автоматлаштирилган ҳолда ўрнатиш (АТС корхоналарида) NOG (Noise Generator) [электр] шовқин генератори NON frequency модуляцияланмаган ташувчи частота</p> <p>NOS (network OS) тармоқли операцион тизим NOT (circuit) “ЙЎҚ” мантикий элементи схемаси NPC</p>	<p>(network parameter control) тармоқ параметрларини бошқариш NPOS (Network Processor OS) тармоқ процессори операцион тизими</p> <p>NR 1. (noise ratio) сигнал - шовқин нисбати 2. (noise reduction) шовқин камайитиргич 3. (nonlinear resistance) ночизикли қаршилиқ</p> <p>NRS 1. (national radio station) миллий радиостанция 2. (navaradio station) ҳарбий-денгиз флоти радиостанцияси 3. (network resource server) тармоқ ресурсларини тақсимловчи сервер 4. (noisereduction system) шовқин камайитирувчи тизим</p> <p>NSC 1. (network switching center) тармоқ коммутация маркази 2. (noise-suppression circuit) система шумоподавления, схема шумоподавления шовқин сўндирувчи схемаси</p> <p>NSGN (noise generator) шовқин генератори</p> <p>NSP 1. (network-service protocol) тармоқлар хизмати протоколи 2. (network-service provider) тармоқга хизмат кўрсатувчи, провайдер NTCA (National Telephone Cooperative Association) телефон кооператив миллий ассоциацияси NTCN (National Telecommunication Coordinating Network)</p>
---	--

телекоммуникацияларни координаталаш миллий тармоғи (АҚШ)
NUT (network-under-test) синовдаги алоқа тармоғи **num 1** (numeral 1) сон || сонли 2) рақамловчи, рақамли ҳисоблагич **NVRAM** (nonvolatile RAM) эхтиёрий танловли энергиятаъминотиға боғлиқ бўлмаган хотира курилмаси **NVS** (noncontact voltage sensor) алоқасиз кучланиш датчиги **NVT** (network virtual terminal) тармоқ вертуал терминали **NWC** (network controller) тармоқ назоратчиси
NWN (nationwide wireless net work) умуммиллий симсиз алоқа тармоғи **NXM** (nonexistent memoгу) мавжуд бўлмаган хотира майдони **num** (pseudonym) лақаб ном (*онлайн форумда ҳақиқий иштирокчини беркитувчи, шахсни химояловчи лақаб ном*)

О

О/Е optoelectronic; (optoelectronic converter) оптоэлектрон ўзгар тиргич
ОА 1. (offi ce automation) корхона фаолиятини автоматлаштириш 2. (open architecture) очик архитектура 3. (omnirange antenna) хар томонга бир хил йўналтирилган антенна 4. (operational amplifi er) операцион кучайтиргич
ОАВ (one-to-all broadcast) “биттадан ҳаммага” схемаси бўйича узатиш
ОАМ (Operations, Administration and Maintenance) техник фойдаланиш,

маъмурийлаштириш, хизмат кўрсатиш (кузатиб бориш) **ОВА** (octave-band analyzer) октавали спектр таҳлилчи **ОБД** (on-board diagnostics) бириктирилган ташхис
ОБИ (Open Buying) (on the) Internet
Интернетда очик савдо
ОБЖ see: (object)
ОБОВ (outbond orderwire) чиқиш хизмат канали **ОБП** see: on-board programming
ОБР (optical bar reader) штрихкодни ўқиш машинаси
ОС 1. (offi ce communication) корхона алоқаси 2 (open circuit) очик занжир, очик контур 3. (operating characteristic) иш характеристикаси 4. (optical communication) оптик алоқа
ОСД (on-chip debugging) процессорға ўрнатиладиган созлаш воситалари **ОСИС** (Offi ce Communication & Information System) корхона ахборот-коммуникация тизими
ОСЛ (Output CapacitorLess) СИГМИСИЗ чиқиш
ОСР 1. (optical character reader) 1) маттни оптик таниш курилмаси 2) маттни оптик таниш

дастури 2. (optical character recognition) матниш оптик таниш

OCS 1. (open-circuit stub) очик шлейф 2. (organizationcommunication system) ташкилот алоқа тизими

OCVCO (oven-controlled voltagecontrolled crystal oscillator) кучланиш билан бошқарилувчи термостатлаштирилган кварцли генератор **OCWR** (optical continuous-wave reflectometer) узликсиз тўлқин акс этиш коэффицентини аниқлайдиган рефлектометр

OCXO (oven-controlled crystal oscillator) термостатлаштирилган кварцли генератор

OD 1. (optical density) оптик зичлик

2. (optical disk) оптик диск

ODBC (open-database connectivity)

маълумотлар базасига эркин уланиш

ODD (optical disk drive) оптик диск **ODF** (optical distribution frame) тақсимловчи оптик кадр

ODFT (odd-discrete Fourier transform) ток-дискрет Фурье алмаштиргичи

ODHT (optimal discrete Hilbert transformer) Гилберт мақбул дискрет алмаштиргичи

ODL 1. (optical data link) маълумотларни узатиш оптик канали 2. (optical delay line)

сигнални кечиктириш оптик линияси

ODR (omnidirectional range) ҳар томонга

йўналтирилган радио маёқ

OE (operating environment) операцион муҳит, фаолият олиб бориладиган муҳит

OEC (Optical-to-Electrical Converter) оптик - электрон ўзгартиргич **OEIC** (optoelectronic integrated circuit) оптоэлектрон интеграл микросхема

OFB (output feedback) режим тескари алоқали шифрлаш ҳолати

OFCC 1. (Open Financial Connectivity) молиявий тизимлар ўзаро очик фаолияти

2. (optical-fiber cable) оптик толали кабель 3. (optical fiber communication) Оптик толали

алоқа 4. (optical fiber, conductive) ўтказувчи оптик тола

OFCP (optical-fiber, conductive, plenum) яширин улаш (ўтказиш) учун

ичкарида қўлланиладиган ўтказувчи оптик толали

кабель **OFCR** (optical fiber, conductive, riser) устунлар ичи орқали ўтказиладиган оптик

толали кабель **OFN** (optical fiber, nonconductive) ток ўтказмайдиган оптик толали

кабель **OFNP** (optical fiber, nonconductive, plenum) девор ичига жойлаштриш учун

кўлланиладиган ток ўтказмайдиган оптик толали кабель **OFR** (overfrequency relay) частотани катталаштирувчи реле **OG** (output generator) чиқиш генератори **OGM** (outgoing message) чиқиш хабари **OGW** (optical guided wave) йўналтириладиган ёруғлик тўлкини **OHV** (OverHead Bus) кўшимча ишчи шина **ONE** (one-hot encoding) [тасвирни] тўғридан-тўғри кодлаш **ONP** (overhead projector) кодоскоп, “оверхед-проектор”, ОНР-проектор **ONW** (output highway) дискрет маълумотларни узатиш чиқиш тракти **OI** (orbiter instrumentation) орбита станцияси ускуналарни ўлчаш қурилмаси **OID** (object identifier) объект таққослагич **OL** 1. (on-line) тизимли; оператив (ҳолат) 2. (open loop) узилган линия, узиқ контур 3. (overhead line) алоқа хаво линияси 4. (overload) перегрузка ўтаюкланиш **OLAP** (Online Analytical Processing) маълумотларни оператив таҳлил этиш, маълумотларга ишлов бериш онлайн ҳолати **OLE** (Object Linking and Embedding) объектларни боғлаш ва ўрнатиш **OLT** (on-line testing) 1) текор назорат 2) диалог (савол-жавоб) ҳолатида текширув **OLTP** (on-line transaction processing) транзакцияларга оператив ишлов бериш

OM (outer marker) узоқдаги белгили радиомаёк **OMNITENNA** (omnidirectional antenna) ҳартомонга йўналтирилган антенна **OMR** 1. (optical mark reading) белгиларни оптик санаш (ўқиш) 2. (optical mark recognition) белгиларни оптик таниш **OMS** 1. (optoelectronic multiple switch) каналларни оптоэлектрон улаб/узгич 2. (ovonic memory switch) Овшинский элементлари хотирани узиб /улагич **OOA** (object-oriented analysis) объектга йўналтирилган таҳлил **OOD** (object-oriented design) объектга йўналтирилган лойиҳалаш **OOK** (on-off keying) амплитуда манипуляцияси **ООР** (object-oriented) объектга йўналтирилган дастурлаш **oramp telecom** (operational amplifier) операцион тезлатгич **opcode** (operation code) код операцияси **orcom** (optical communication) оптик алоқа **ОРА** (optoelectronic pulse amplifier) оптоэлектрон импульс тезлатгичи **ОРО** (optical parametric

oscillator) параметрик оптик генератор **OPT** 1.(optics) оптика 2. (output transformer) чиқиш трансформатори **OPX** (off-premises extension) 1) ташкилот АТСи (*алоҳида хонада жойлаштирилган*) 2) кўшимча телефон аппарати (*алоҳида хонада жойлаштирилган*) **OR** 1. (overall resistance) тўлик қаршилик, импенданс 2. (overload relay) максимал ток релеси **ORB** (omnidirectional radio beacon) ҳар томонга йўналтирилган радиобаёқ **ORL** (optical return loss) акс этган тасвир сўниши **OROS** (optical read-only storage) доимий хотирада сақловчи оптик қурилма **OS** (operating system; operational system) операцион тизим **OS level** ~ операцион тизим классификацияси дастурий таъминоти **OSC** 1. (oscillation) 1) тебраниш 2. oscillator осциллятор (*тебранувчи, тебрана оладиган ҳар қандай система*), генератор 3. oscillograph осциллограф (*электр ҳодисаларини қузатиш ва эгри чизиқ равишида ёзиб олиш учун ишлатиладиган асбоб*) 4. (oscilloscope) электр нур трубкали осциллограф **osc** see: **OSC OSEM** (optoelectronic switching elements) матрицага оид оптоэлектрон матрицага оид коммутатор **OSLAN** (open-system local-area network) очик тизимлар билан ўзарофаол (боғлиқ) маҳаллий алоқа тармоғи

OSN (optical subscriber network) абонент оптик алоқа тармоғи **OSRI** (originating station routing indicator) чақирув станцияси маршрути белгиси (кўрсаткичи) **OSS** (open source software) 1. (one-stop shopping) дўкондан барча керакли нарсаларни сотиб олиш концепцияси; виртуал дўкондан барча керакли нарсаларни сотиб олиш концепцияси 2. (operational support system) оператив таъминот тизими 3. (operator of services system) алоқа хизмалари тизими 4. (out-of-service) хизмат доирасидан ташқарида; алоқа тизими хизмати доирасидан ташқарида **OTAM** (over-the-air management (of automated HF network nodes) (автоматлаштирилган радиотармоқ боғламаларини) хаводан (радиосигналлар орқали) бошқариш **OTAR** (other-the-air rekeying) шифрлаш калитини масофадан алмашиш **OTDR** 1. (optical time-domain refl ectometer) оптик вақт қиймати рефлектометри 2. (optical timedomain refl ectometry) оптик вақт қиймати

рефлектометрияси **OTM** (Object Transaction Monitor) объект транзакцияси монитори **OTR** (optical transmitter/receiver) оптик қабул қилгич/узатгич **OVF** (overfl ow) хотира(нинг) тўлиб кетиши
ovfl o see: **OVF OVP** (overvoltage protection) ўта юкланишдан ҳимоя **ovv** (overvoltage) ўтаюкланиш **OW** (orderwire) хизмат алоқа линияси **OWB** (orderwire burst) хизмат алоқа пакети
OWF (One-Way Function) қайтмас операция, такорланмайдиган операция
OXP (overexcitation protection) ўзўзидан ортиқча кўзғалишдан ҳимоя

Р

P 1. (punch) 1) тешиш 2) перфаратор, пуансон 2. (puncturing) кодлашда перфорациялаш **p-code** (see: pseudocode) **P&** see: **P&P**

P&P (Plug-and-Play) “ула ва ишла” (қўшимча қурилмани компьютерга тез уланиш хусусияти ва тамойили)

P&T (Push-and-Talk) “бос ва гаплаш” (мобил телефоннинг битта тугмачани босиб қўп сонли абонентларга нутқли хабар жўнатиш функцияси)

PA 1. (paging amplifi er) шахсий чақирувчи кучайтиргич 2. (parametric amplifi er) параметрик кучайтиргич 3. (power amplifi er) қувват кучайтиргич 4. (production assistant) тасвир режиссери ёрдамчиси (асситенти) 5.

(pulse amplifi er) импульс кучайтиргич

PA/D (packet assembler/disassembler)

пакетларни шакллантириш/қайта очиб бирламчи ҳолатга келтириш қурилмаси

PAC 1. (partitioned adaptive control) адаптив бўлинган бошқарув 2. (perceptual audio coding) товушни перцептуал кодлаш **PACS** (Personal Access Communication Services) телекоммуникация шахсан эркин кириш хизмати

PAD 1. (Packet Assembler/Disassembler) пакетларни йиғувчи/ ажратувчи

(*Пакетлараро коммутация билан абонентларни тармоққа эркин киришни таъминловчи қурилма. У юборишдан олдин маълумотлар оқимини пакетларга ажратади ва қабулда пакетлардан маълумотлар оқимини қайта тиклайди*) 2. (Programmable Address Decoder)

дастурланадиган манзиллар дешифратори

PAMR (public access mobile radio) жамоа мобил радиоалоқа ижтимоий тизими

PAN (preassigned network) сеть каналлар бириктирилган тармоқ **PAP 1.** (Password Authentication Protocol) калит сўзни аутентификациялаш протоколи 2. (picture and

picture) “тасвир ва тасвир”,
“таркибий экран” (*замонавий
телевизор экранининг функцияси,
ушбу функция қўлланилганда иккита
тасвирни кўрсатиш учун экран
вертикаль чизиқ билан иккига
бўлинади*)

parallel I/O параллел
киритиш/чиқариш (*кетма-кет
киритиш/чиқаришдан фарқи
ўлароқ*) **PARAMP** (parametric
amplifier) параметрик
кучайтиргич **paramp** see:
PARAMP

PaRTS (package-and-resource
tracking system) савдо
белгиларини бошқарувчи дастур
PAS (photoacoustic spectroscopy)
оптоакустик спектроскопия
(*физиканинг оптик спектрларни
ўрганувчи бўлим*)

PASS (private automatic switching
system) хусусий автоматик
коммутация тизими

PB 1. (power box) электр таъминот
кутиси 2. (public broadcasting)
ижтимоий

ўрсатув/эшиттиришлари **PBA**
(printed-board assembly) босма
боғламаси

PBX (Private Branch Exchange)
[ташкилот, махаллий] телефон
станцияси

PBX (computer telephone) идора
компьютер телефони **PBX**
(intendant) телефон станцияси
ходими

PC 1. (carrier power)
(радиоузатгич) ташувчи(си)
қуввати 2. (peripheral controller)

ташки назоратчи 3.
(personal computer) шахсий
компьютер 4. (photocell)
фотоэлемент 5. (printed
circuit) босиб чиқариш
схемаси 6. (program
counter) ўрнатилган
ҳисоблагич (*дастурий
таъминотни нусхалашдан
ҳимояловчи тизим*) 7.
(programmable controller)
дастурланувчи назоратчи
8. pulse code импульс коди
~ **add-on telephone**
компьютерга уланадиган
телефон

~ **board** see: (circuit board)

~ **card** компьютерга
фотокамерани уловчи
хотира картаси ~

cartridge С-картридж
(*факсимил аппаратни
компьютерга уловчи
интерфейс модули*) ~

videoconferencing
компьютерлараро
видеоконференция
алокаси

PCB (printed-circuit) board
босма

плата **PCC**
(programmable cross
connection)

дастурланувчи
координатали уланиш
PCL (parallel

communication link)
параллел алоқа линияси

PCM 1. (pulse-code
modulation) импульс

кодли модуляция 2. (pulsecount modulation) мпульслар сони модуляцияси

PCM (modulation)

компандирловчи импульслар сони модуляцияси **PCM CIA** (personal computer microphone interface adapter) радиотелефонни

компьютер тармоғига уловчи адаптер картаси **PCM CIA card** ихчам қурилмаларни компьютер тармоғига уловчи адаптер картаси

PCME (Packetized Circuit

Multiplication Equipment)

пакетлар коммутацияси орқали мультимплексерлаш қурилмаси

PCN 1. (personal communication

network) шахсий алоқа тармоғи

(Европа) 2. (personal computer

network) шахсий компьютерлар

тармоғи **PCS** 1. (personal

communication service) шахсий алоқа

хизмати (АҚШ) 2. (personal

communication system) шахсий алоқа

тизими 3. (plastic-clad silica; plastic-

clad silica fi ber) кремний ўзакли ва

пластмасса қопламали оптик толали

кабел 4. (power conversion system)

қувватни ўзгартирувчи тизим 5. (print

contrast signal) босма махсулот

аниқлик сигнали

PCSN (private circuit-switching

network) каналларни

коммутацияловчи хусусий алоқа

тармоғи **PDA** 1. (personal digital

assistant) электрон котиба 2.

(pulsedistribution amplifi er)

импульсларни кучайтириб-

тақсимлагич

PDB (power distribution board)

электр қувват тақсимловчи

шчит **PDCT** (portable data-

collection terminal)

маълумотлар йиғиш ихчам

терминали

PDFA (praseodymium-doped fi

ber amplifi er) празеодим

котишмаси билан қопланган

оптик толадаги кучайтиргич

PDN 1. (private data network)

хусусий маълумотлар тармоғи

2. (packetdata network)

маълумотларни пакетли

узатиш тармоғи 3. (public-data

network) умумий

фойдаланиладиган

маълумотлар узатиш тармоғи

DDP (plasma display panel)

плазмали экрани

PE (phase-encoded; phase-

encoded recording) фазавий

кодлаш билан ёзиш; фазавий

кодлаш

PE-(cable “PE”) туридаги

шаҳарлараро алоқа сув ости

кабели (Япония)

PEC 1. (parametric equalizer)

параметрларни мослаштирувчи

қурилма, параметрик

эквалайзер 2. (perfect electric

conductor) энг яхши электр

узатгич 3. (photoelectric cell) 1)

фотодиод 2) фоторезистор 3)

фототранзистор

PECC (partially error-controlled

connection) хатоларни қисман

тўғирлаш орқали боғланиш

PEF (prediction-error fi lter)

хатоларни башоратлаш

фильтри **PEM** (Privacy Enhanced Mail) юкори химояланган электрон почта (тизими)

pen OS (pen operating system) қўлда ёзмаларни кириштиш учун операцион тизим

PES 1. (packetized elementary stream) пакетланган маълумотлар элементлари оқими 2. (photoelectron spectroscopy) фотоэлектрон спектроскопияси (*физиканинг оптик спектрларини ўрганувчи бўлими*)

PET (positron emission tomography) томография

позитрон эмиссияси усулига асосланган **PF** (pulse former) импульсларни шакллантиргич

PFC 1. (Program Flow Controller)

кўрсатмалар кетма-кетлиги назоратчиси 2. (pulse-frequency control) импульс-частотали

башқарув **PFL** (prefade listen) сигналларни аралаштиришдан олдинги назорат **PFR** (power-fail recovery) электр таъминотини узишдан кейинги тикланиш; электр таъминотини узишдан кейинги алоқа тикланиши **PG** (I pattern generator)

1) тасвир шакллантиргич 2) (интеграл схемалар) топологияси генератори 2. power gain 1) қувват бўйича кучайтириш 2) қувват кучланиши коэффициенти 3) тест кодлари генератори 3. (processing gain) сигналларга ишлов бериш жараёнидаги кучайтириш

PGA 1. (professional graphic adapter) профессионал графика адаптери 2. (programmable-gate array) дастурланадиган мантикий матрица 3. (Programmable-Gain

Amplifier) сигналларга ишлов бериш жараёнидаги кучланиш 4. (pulse generator) импульс

генератори **pgm** program 1) радио ёки ТВ дастури 2)

дастурий таъминот **PHM** (Pulse-Height Modulation) сатҳ импульсли модуляция

(*ярим тоннали тасвирларни яратиш*

усули) **PIA** (peripheral interface adapter) ташқи интерфейс ускунаси адаптери

PIC 1. (personal identification code) шахсни таққословчи код 2.

(programmable interface controller)

дастурланадиган интерфейс назоратчиси

PID (packet identifier) (элементар маълумотлар оқимларини)

таққословчи пакетлар

PIE (program input equipment) кириш ускуналари

PIPO (Parallel Input, Parallel Output) “параллел кириш - параллел чиқиш”, PIPO схемаси

PIPS (Power [sources], Interconnections, Passives and Switches) [and relays] таъминот манбаи, улагичлар, нофаол компонентлар, улаб/узгичлар [ва релелар] **PISO** (Parallel Input, Serial Output) “параллел

кириш - кетма-кет чиқиш” схемаси

PL 1. (party line)1) гуруҳли абонент линияси 2) ички алоқа системасида инсталланган пункт билан боғланиш алоқа линияси 2. (plug) қопқоқ, ёпқич 3. (processing loss) сигналларга ишлов бериш жараёнидаги йўқотишлар 4. (programming language) дастурлаш тили **PLAN** (personal) хисоблаш шахсий маҳаллий тармоғи **PLD** 1. (phase-locked demodulator) частотани фаза орқали автоматик созлаш демодулятори

2. (programmed logic device) дастуриланадиган монтикий қурилма 3. (pulse-length discriminator) импульслар узунлигини аниқловчи (схема)

PLH (payload handling) фойдали юкланишга хизмат кўрсатиш

PLI (piecewise linear interpolator) бўлак-линияли интерполятор (*чизик бўлаклари билан алмаштириш қурилмаси*)

PLMN (public-land mobile network) умумий фойдаланувдаги мобил объектлари ер усти алоқаси **PLN** (private line network) хусусий алоқа линиялари тармоғи

PLO (phase-locked oscillator) параметрон

PLP (Personal Laser Printer) шахсий лазер принтери **PLR** (pulse-link repeater) чизикли импульсли такрорлагич

PLUGE (picture line-up generating equipment) видеомониторни созлаш генератори **PM** 1. (permanent magnet)

доимий магнит 2. (phased modulation) фаза модуляцияси

3. (polarization maintaining) кутбланиш сақланиши (*интерферометрияда қўлланиладиган оптик тола хақида*) 4. (preventive maintenance) жорий техник хизмат **pm** see: PM

PMR 1. (personal mobile radio) шахсий мобил алоқа тизимлари 2. (private mobile radio) хусусий радио алоқа тизими 3. (professional mobile radio) махсус мобил радиоалоқа тизими

PN 1. (Processing Node) процессор боғламаси 2.

(pseudonoise) псевдошовқин **PNP** (positive-negative-positive p-n-p)-транзистор, позитив-негатив

(мусбат - манфий) транзистор

PnP see: (Plug&Play) **PON**

(passive optical network) пассив оптик алоқа тармоғи **PORT** (portable radiotelephone terminal) портатив (ихчам)

радиотелефон станцияси **POS**

(point-of-sale) савдо терминали

POST (Power-On Self Test)

ички бошланғич тест (*электрга уланганда ўз ўзини теслаш, ўз ўзини теслаш жараёни, POST жараёни*)

POT (point-of-termination)

улиниш нуктаси, улиниш жойи

PP 1. (parallel port)

параллельный порт 2.

(peripheral processor) ташқи

процессор 3. (polarization preserving) кутбланишни сақлаш
(интерферометрияда қўлланиладиган оптик тола ҳақида) **PPBM** (pulse-polarization binary modulation) кутбланишли - импульсли иккилик модуляцияси
PC (plain-paper copier) билвосита нусха олиш электрографик аппарати
PRB (packet-receiving buffer) пакетларни қабул қилиш буфери
PRBS (pseudo-random binary sequence) псевдотасодифий иккилик кетма-кетлик **PRG** (pseudo-random generator) псевдотасодифий код генератори **PRGRM button** (program button) дастурлаш тугмаси **PRK** (phase-reversal keying) иккикаппа нисбий фазавий манипуляция **PRN** 1. (printer принтер) 2. (packetradio network) радиоалоқа тармоғи 3. (pseudorandom noise) псевдотасодидифий шовқин
PRNET (packet-radio network) пакетли радиоалоқа тармоғи **PROC** (procedure) 1) алгоритм; тартиб; ҳаракат тартиби 2) жараён **PS** (pulse shaper) импульслар шакллантиргичи
PSC 1. (parallel-to-serial converter) параллел кодни кетма-кет кодга ўзгартиргич 2. (portable single camera) ихчам видеокамера моноблоки 3. (portable switching center) пакетларни коммутацияловчи марказ
PSD 1. (phase-sensitive detector) фазага сезгир детектор 2. (positionsensitive detector) жойлашиш ҳолати датчиги

PSO (parametric subharmonic oscillator) параметрон
(параметрик субгармоникалар генератори) **PTAT** (private transatlantic telecommunications; private transatlantic telecommunications system) трансатлантик хусусий кабель алоқа тизими **PTR** 1. (pointer) 1) кўрсатувчистрелка (масалан, сичқончанинг кўрсатувчи-стрелкаси) 2) ҳавола 2. (paper-tape reader) перфотасмадан ўқувчи қурилма 3. (printer) принтер (чоп этиш қурилмаси) **PU** 1. (pick-up) товуш олгич 2. (power unit) электр таъминот блоки 3. (presentation unit) жўр овоз каналига эркин кириш блоки **PUH** (pickup head) [DVD] ўқувчи қаллақ (дискодаги маълумотларни ўқувчи оптик ва электрон компонентли қаллақ) **PVC** 1. (permanent virtual circuit) доимий виртуал канал 2. (polyvinylchloride) поливинилхлорид, ПВХ (алоқа кабеллини изоляциялаш учун) 3. (pulse voltage converter) кучланишни импульсли ўзгартиргич **PZT** (piezoelectric transducer) пьезодатчик (пьезоэлектрик ўлчовчи ўзгартиргич)

Q

Q (quenching) сўндириш,
кучсизлантириш

q see: Q

QAGC (quiet automatic gain control)
кучланишларни шовқинсиз
автоматлаштирилган ҳолда бошқариш
(КШАБ)

qagc see: (QAGC)

QAM (quadrature amplitude
modulation) амплитуда
квадратура модуляцияси

QASK (quadrature amplitude-shift
keying) амплитуда квадратура
манипуляцияси

QAVC (quiet
automatic volume control)
кучланишни шовқинсиз

автоматлаштирилган ҳолда
кечкикишли бошқариш (созлаш)

QCPSK (quaternary coherent
phaseshift keying) когерент фазали
сигналлар билан манипуляция

QFM (quantized-frequency
modulation) квантлашли
частотавий
модуляция

QM (quadrature modulation)
квадратура модуляцияси

QMF (quadrature mirror filter)
квадратура акс этувчи филтри

QMJ (Quality Management
Journal) сифатни бошқариш
кайдномаси

QMN (quasi-
minimum noise) квазиминимал
шовқин

QNA (queuing network
analyzer) хизмат кўрсатиш
тармоқлари таҳлилчиси

QNT (quantizer) квантловчи
қурилма

QPD (quadrature phase
detector) квадратура фаза
детектори **QPR**
(quadrature partial
response; quadrature partial
response modulation)

қисман акс
таъсириландиган
квадратуравий модуляция

QPRK see: **QPR**

QPSK (quadrature phase-
shift keying; quaternary
phase-shift keying)

квадратурали фазавий
манипуляция **QPSX**

(queued-packet synchronous
exchange) маълумотлар
пакетлари навбати билан

синхрон алмашинуви

QQVGA (Quarter VVGA 1.
variablegain amplifi er)

кучланиши созланувчи

кучайтиргич 2. (video
graphic adapter)

видеографик адаптер,
VGAСтандарти

видеокартси **QSAM** 1.

(quadrature sideband
amplitude modulation)

битта ён полосали

квадратурали амплитуда
манипуляцияси 2. (queued-
sequential access method)

навбат тартиби бўйича
бирин кетин эркин кириш

усули

QSS (quasi-stellar source;
quasistellar radio source) квазар
(*қоинотнинг узоқ жойидаги
кучли радионурланиш манбаи*)

QUAM (quadrature amplitude modulation) амплитуда квадратурали модуляцияси **QVGA** (Quarter) see: **VGA QWERTY** keyboard (компьютер) стандарт клавиатураси

R

R 1. (reset) қайтиш, тўхтаб қолиш 2. (resistance) қаршилиқ 3. (resistor) резистор

R-amplifier кизил ранг кучайтиргичи

R-wave (Rayleigh wave Пеле) тўлқини **R&D** (R/D) (Research and Development) тадқиқот ва ишлаб чиқариш

R/T 1. (real time реал) вақт 2. (receive/transmit) қабуллаш/узатиш 3. (reperforator/transmitter) телетайп қурилма (*текстни автоматик равишда ҳарфлар билан ёзиб оладиган қурилма*)

rabal (radiosonde balloon) 1) ҳаво шарлари ёрдамида радиозондалаш тизими 2) ҳаво шарлари ёрдамида радиозондалаш орқали маълумотларни қабул қилиш **RACH** (random-access channel) эркин кириш канали **RACOM** (random-access communication; random-access communication system) эркин қаришли алоқа тизими **RAD 1.** (random-access device) эркин кириш қурилмаси 2. (rapid application development) тезкор иловалар яратиш

RADAR (radio detection and ranging) радар 1) радиоизлаш ва масофани радиоаниқлаш 2) радиомасофа (радиолокация) станцияси **RADAS** (random-access discrete address system)

дискрет манзилли эркин кириш тизими **RADASIM** (random-access discrete address system simulator) дискрет манзилли эркин кириш тизим имитатори (тақлидчиси) **RADHAZ** (electromagnetic radiation hazard) электромагнит нурланиш ҳафви

RADIUS (Remote Authentication Dial-In User Service) коммутацияланадиган линиялар орқали фойдаланувчиларни масофадан аутентификациялаш (текшириш) **RAINBOW** (radio-access independent broadband on wireless радио) орқали эркин кириш кенгполосали симсиз тармоғи **RAM** (Random Access Memory) оператив хотира, оператив хотира қурилмаси, яримўзтказгичли хотира

RAMDAC (Random Access Memory Digital-to-Analog Converter) рақаманалог ўзгартиргичли тезкор хотира **RAN** (regional area network) ҳудудий тармок

RAND (random, random number) тасодифий абонент рақами **RAS 1.** (random-access storage) эркин танлаш имкониятини яратадиган хотира қурилмаси 2. (remoteaccess system) масофадан эркин

киришни таминлайдиган тизим
RAW (read-after-write) ёзишдан кейин ўқиш
RAX (rural automatic exchange) район АТС; қишлоқ АТС
RB (radio beacon) радиомаёқ
RBE (remote batch entry) (кўрсатмаларни) масофадан пакетли киритиш
RBL (Real-time Black List) спам жўнатувчилари IP-манзил (*интернет протокол манзил*) қора рўйхати
RBV (return-beam vidicon) ребикон, қайтувчи нурли видикон
RbXO (rubidium crystal oscillator) рубидийли кварцли генератор
RC 1.(radio control) радиобошқарув 2) масофавий бошқарув 2. (reflection coefficient) акс этиш коэффициенти 3. (remote control) масофадан бошқариш; телебошқариш 4. (resource controller) манбаларни бошқарувчи 5. (reverse current) тескари (йўналишдаги) ток
RC coupling (resistance-capacitance coupling) қаршилик-сиғимли алоқа, резистор-сиғимли (тескари) алоқа
RCC (radio common carrier) радиотелефон компанияси
RCE (remote-control equipment) телебошқарув ускунаси, масофадан бошқариш ускунаси
RCL 1. (radio communication line) радиоалоқа линияси 2. (resistance, capacitance and inductance) қаршилик, сиғим ва индуктивлик
RCOP (remote-control operation

panel) масофадан бошқариш пульта, МБ пульта
RCP (Restore Cursor Position) курсор ҳолатини тиклаш
RCR (reverse-current relay) тескари ток релеси
RDT (remote data transmitter) маълумотларни масофадан узатиш қурилмаси
REG (range extender with gain) кучлантиргич динамик диапазонни кенгайтирувчи кучайтиргич
RELP (residually-excited linear predictive) чизиқли башоратли ва қолдик кўзғатувчи кодлаш
resistor LED резисторли светодиода
RF 1. (radio frequency) радио частота 2. (range finder)(ТВ камера) тасвир кидиргичи 3. (reactive factor) реактивлик коэффициент
rf see: RF
RFA (radio-frequency amplifier) радиочастота кучлантиргичи
RFC (radio frequency choke) радиочастота дроссели (*радиочастота ток кучини тартибга солувчи залтаки*)

RFM (reactive factor meter) измеритель коэффициента реактивности
реактивлик коэффициентини ўлчлагич **RFPI** (radio fi xed-part identity) идентификатор радиопорта радиопорт такқослагичи **RGB** (gun) прожектор цветного кинескопа
рангли кинескоп прожектори **RGB** (monitor RGB) -монитор цветной цифровой монитор рақмли рангли монитор (экран, дисплей)
RGP (remote graphic processor) удаленный графический процессор масофадаги графика процессор **rheo** (rheostat) реостат қаршилик, реостат (қийматини ўзгартириш имконияти бор қаршилик)
RLA (remote loop adapter) удаленный адаптер линии связи алоқа линияси(нинг) узок масофадаги адаптери **RLC** (run-length coding) кодирование со скачущей длиной (слова) давомийлиги сакраб ўзгарувини кодлаш, турли давомийли кодлаш **RM** 1. (reference manual) 2. (route manager) 1. бошқарув маълумотлари 2. алоқа радио трасс бўлими раҳбари (АҚШ радиоалоқаси)
RMC 1. (Remote Method Call) узок масофадан чақирув усули 2. (remote multiplexer combiner) узок масофадаги абонентлар каналларини бирлаштириш ва зичлаш қурилмаси
RMI (radio-magnetic indicator) радиомагнит индикатори **RMM** (read-mostly memory) қисман доимий хотира қурилмаси **RMON** (remote monitoring) масофадан мониторинг

ROES (receive-only earth station Ep) усти қабул қилиш станцияси
ROLAP (Relation On-Line Analytical Processing, Relation OLAP) ўзаробоглик маълумотларга оператив таҳлилий ишлов бериш
ROM (read-only-memory) доимий хотира қурилмаси
ROM-based ~ базада (доимий хотирада) сақланувчи дастурий воситалар **boot** ~ (boot ROM) (тармок адаптери) юкланиш доимий хотира қурилмаси
electrically-alterable ~ 1) (electrically-alterable read-only memory) электрик қайта дастурланувчи доимий хотира қурилмаси 2) (flash memory) флэш-хотира (*алоҳида электр манбаи бўлган қайта дастурланадиган доимий хотира*) **erasable** ~ ахборотни ўчириш имкониятдоимий хотира қурилмаси **flash** ~ флэш хотира **ROS** (read-only storage) доимий хотира қурилмаси **ROSA** (recording optical spectrum analyzer) ёзувчи оптик спектраллизатор
ROTS (rotary out-trunk switch) чикувчи улинишлар линиясини бурилиб изловчи
RPC 1. (remote-position control) масофадан бошқариш, теле бошқарув 2.

(remote procedure call) масофали жараён чакируви **RPG** 1. (random-pulse generator) тасодикий импульслар генератори 2. (remote program generator) дастурий хисоботлар генаратори **RSA** (Rivest, Shamir & Adleman; Rivest, Shamir & Adleman encryption) Ривест, Шамир ва Адлеман усули билан шифрлаш **RT** 1. (radio telephony) радиотелефония 2. (real time real) вақт 3. (remote terminal) масофадаги терминал 4. (remote tripping) телеузиш, масофадан узиш 5. (resistance thermometer) қаршилик термометри **RTC** 1. (real-time clock) 1) реал вақт соати 2) реал вақт импульслари генератори 2. (receiver transfer characteristic) узатиш характеристикаси 3. (remote terminal concentrator) масофадаги терминаллар концентратори **RTCE** (real-time channel evaluation) реал вақтда канални баҳолаш **RTD** (resistive temperature detector) резистив ҳарорат аниқлагичи **RTP** 1. (real-time processing) реал вақт оралиғида маълумотларга ишлов бериш 2. (real-time protocol) реал вақт протоколи 3. (remotetransfer point) масофода жойлашган маълумотлар узатиш пункти **RTSA** (real-time signal analyzer) реал вақтдаги сигналлар анализатори **RTZ** (return-to-zero) нольга қайтариб ёзиш **RW** (regenerated wave) қайта

тикланган тўлқин, регенерацияланган тўлқин **RWD** (rewind) тескари ўраш, қайта ўраш **RWM** (read-write memory) тезкор оператив хотира курилмаси **RX** 1. (receive) қабул қилиш, қабуллаш 2. (receiver) 1) қабул қилгич 2) радиоқабул қилиш курилмаси 3) ресивер, қабул қилгич, тўплагич (сунъий йўлдошли телевидениеси тизимида) 4) кўриқчи пульти 3. 1) (retransmit) қайта узатиш 2) retransmitter қайта узатгич **RXD** (received data) қабул қилинган маълумотлар

S

S 1. (search) излаш || изламоқ 2. (source) 1) манба 2) майдон транзистори манбаи 3) бошланғич код 1) маълумотлар манбаси; ахборот манбаси 2) маълумотлар нухаси олинувчи курилма (*масалан, магнит диск*); манба (*нухаланаётган маълумотлар манбаси*) 3) хабар юборувчи 4) ишлаб чиқарувчи; таъминловчи 3. speed 1) маълумотларни узатиш тезлиги 2) тез харакатланиш 3) компьютер унумдорлиги 4. (switch) 1) узгич, улгич 2) (алоқа курилмасини)

боғловчи, координатали кўп маротаба улагич 3) излагич 5. (synchronoscope) синхроскоп **S-F** (store-and-forward) қабул килинган хабарларни кейинчалик узатиш учун сақлаб қўйиш; қабул килинган факсимил хабарларни кейинчалик қайта узатиш учун сақлаб қўйиш

S-meter (signal-strength meter) уяли (сотали) алоқа тизимида сигнал узатиш фаоллиги кўрсаткичи **S-unit meter** see: (S-meter) **S/H** (sample-and-hold) хисоботларни сақлаб қолиш орқали дискретизациялаш

S/WAN (Secure Wide Area Network) ҳимояланган глобал тармоқ (турли таъминотчилар брендмауэрларидан фойдаланиш имкониятини яратувчи ҳимоя тури)

SA 1. (section adaptation) алоқа линияси қисми(нинг) мослашуви

2. service ability абонент хизматларига эркин кириш 3. (source address) манба манзили

SAC (single-attachment concentrator) якка улашишли концентратор **SACCH** (slow associated control channel) бирлаштирилган секин бошқарув канали **SAM** (sequential-access memory) кетма-кет фойдалана олиш имкониятини берадиган хотира қурилмаси **SAN 1.** (small-area network) кичик маҳаллий тармоқ 2. storage-area network маълумотларни сақлаш майдони 3. (switched-analog network) коммутацияланадиган аналог тармоқ сервери (қурилмаси)

SANTA (systematic analog network) testing approach аналог схемаларни синаш тизимли усули **SAT** (synchronous/asynchronous transmitter) синхрон-асинхрон узатгич

SATAN (Security Administrator Tool for Analysing Networks) тармоқларни таҳлил қилиш учун маъмур асбоблари

(satcom antenna satellite communication antenna) сунъий йўлдош орқали алоқа антеннаси

(SAU secure access unit) рухсатсиз киришдан ҳимояловчи қурилма **SB** (communication short-band communication) қисқа тўлқинли алоқа, фуқоро радиоалоқаси **SBA** (shaped-beam antenna) махсус йўналтирилган диаграммали антенна

SBC (single-board computer) бир платали компьютер (*якка босма платада жойлашган компьютер, одатда ушбу компьютер қурилма ва асбоблар ичига жойлаштирилади*)

SBR (storage buffer register) буфер хотира регистри **SBS** (Satellite Business System) сунъий йўлдош орқали тижорат алоқа тизими, қатта ҳажмда тижорат СЙАТ

(сунъий йўлдош алоқа тизими)

SC 1. (sectional center) худуд шаҳарлараро станцияси 2. (semiconductor) яримўтказгич 3. (service center) хизмат кўрсатиш маркази 4. (service channel) хизмат кўрсатиш канали 5. (session control) алоқа хизмат кўрсатиш жараёнини бошқариш 6. (single-cable) бир кабелли, якка кабелли 7. (supervisory control) масофадан бошқарув, телебошқарув 8. (switched capacitor) узиб/уланувчи конденсатор **sc** semiconductor яримўтказгич **SCAN** (switched-channel automatic network) коммутацияланадиган каналли автоматлаштирилган тармоқ **SCDM** (syllabically-companded delta modulation) бўғинли компандирлашли дельта-модуляция **SCEG** (Speech Coding Expert Group) экспертная нутқни кодлаш эксперт гуруҳи **SCF** 1. (selective call forwarding) танланадиган чақирув ретрансляцияси 2. (service control function) хизмат кўрсатишли бошқариш вазифаси **SCH** (synchronous channel) синхронизациялаш канали **SCN** 1. (scanner) 1) сканер 2) кенгайтирувчи қурилма, ёйувчи қурилма 3) факсимиль қурилма сканлаш қисми 2. (switched-circuit network) каналлар коммутацияланадиган тармоғи **SCS** 1. (satellite communication system) суний йўлдошли алоқа тизим 2. silicon-controlled switch тетродли тиристор, квадратронли тиристор

SD 1. (security domains) хавфсизлик худуди 2. (space division) фазовий ажратиш 3. (start delimitter) бошланғич маркерни йўқ йилувчи 4. (start divider) (пакетларни) бошланғич ажратгич **SDC** (serial-data controller) маълумотларни кетма-кет назоратловчи **SDCCH** (stand-alone dedicated control) channel каналларни бошқариш алоҳида канали **SDCCH/n** (stand-alone dedicated control channels) каналларни бошқариш алоҳида n кичик каналлардан ташкил топган канал **SDDI** (serial digital data interface) маълумотларни кетма-кет узатиш рақамли интерфейси **SDK** 1) (Software Development [Developer's] Kit) 2) (System Design Kit) 1) дастурий таъминот ишлаб чиқувчи воситалар тўплами 2) тизимни ишлаб чиқувчининг воситалари **SDLC** (synchronous data-link control) маълумотларни синхрон узатишни бошқариш **SDM** 1. (space-division multiplexing) каналларни фазовий ажратиш 2.

(statistic delta-modulation; statistical delta-modulation) статистик дельтамодуляция

SDMA (space-division multiple access) каналларни фазовий ажратишга асосланган кўп станцияли эркин кириш

SDP (service-data point) хизмат кўрсатиш маълумотлари боғламаси **SDTS** (satellite data-transmission system) маълумотларни узатиш сунъий йўлдошли тизими

SDVD (simultaneous digital voice and data) рақамли овоз сигналлари ва маълумотларни бир вақтда узатиш **SEC 1.** (secondary-emission conductor) иккиламчи эмиссияли ўтказгич **2.** (section-emergency coordinator) авария хизмати бўлими раҳбари (*АҚШ радиоалоқа бирлашмасида*)

SECAM (séquentiel couleurs à mémoire; Système séquentiel couleurs à mémoire SECAM,) рангли телевидение тизими (*тасвирларни кетмакет қайта кўрсатиш ва ранглари ўқиш ҳамда хотирада сақлаб қолишга асосланган*) **SECO** (self-regulating error correction coder-decoder)

хатоликларни тўғирловчи ўзини-ўзи соловчи кодер-декодер

SECOMS (satellite EHFcommunications for mobile services) мобил мультимедия хизматлари учун КВЧ-диапазонда (*жуда-жуда юқори частоталар диапазонида*)

сунъий йўлдошли алоқа **SECTEL** (secure telephone) яширин тинглашдан химояланган телефон аппарати

SEE (secondary electronic emission) иккиламчи электрон нурланиш (эмиссия) **SEEP** (stimulated-emission of energetic particles) заррачалар энергиясини тезлаштириб узатилиши **SEG** (special effects generator) махсус кўринишлар (эффектлар) ренератори

SER (sequence of events recording) воқеалар кетма-кетлиги қайдномаси **SES** (satellite-earth station) сунъий йўлдошли алоқа Ер станцияси **SETAR** (serial event timer-andrecorder) кетма-кет (қадамли) воқеаларни рўйхатга олиш ва хотирада сақлаш қурилмаси **SETG** (Synchronous Equipment Timing Generator) синхрон қурилма учун кўрсаткичлари вақт билан белгиладиган (баҳоланадиган) сигналлар генератори

SF 1. (safety fuse) тез эрувчи сақлагич **2.** single-frequency бир частотали (сигнализация) **3.** (spatial wave) фазовий тўлқин **4.** (store-andforward) кейинчалик қайта узатилиш учун хотирада сақлаш;

кейинчалик узатиш мақсадида
факсларни хотирада сақлаш **SFC**
(static frequency changer) частотани
статик ўзгартиргич **SFD** (store-and-
forward deadlock) оралик ахборот
йиғиш аппаратурасида ўтаюкланиш
натижасида канал ишлаши жараёни
тўхташи
SFH (slow frequency hopping) алоқа
жараёнида частоталар секин
сакрашини қўллаш
SFS (store-and-forward switching)
оралиқда хотирада сақлаш билан
коммутациялаш
SGEN telecom 1. (Signal Generator)
сигналлар генератори 2. (System
Generator) тизим генератори **SGR** (Set
Graphics Rendition) график аксни
